ШАҲАР ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАРНИНГ ЁНҒИН ХАВСИЗЛИК

ШНҚ 2.01.02-04

РАСМИЙ НАШР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ 2005

УДК 614.84.006.354

ШНҚ 2.01.02-2004. Бинолар ва иншоатларнинг ёнғин хавфсизлиги.
(Ўзбекистон Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси. Тошкент, 2004й)

Ишлаб чиқилган ва киритилган: «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ОАЖ: Ш.Т.Абдукомилов, Э.Ф. Леннешмидт А.К. Бахтияров /норматив хужжатнинг рахбари/, Н.Ф. Сидельникова, Н.А.Чалмаева.

Ўз.Р ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби /Ўз.Р ИИВ ЁХОТМ/; М.С. Собиров. А.Д. Худоев, Д.Х. Исраилов, Н.А. Мансурхўжаев, Р.Э. Қосимов, Н.Х. Ширинов, А.Б. Сираджитдинов, И.И. Сиддиқов, Б.Т. Ибрагимов, К.В. Лексин.

Ўз.Р ИИВ Ёнғин ҳавфсизлиги бош бошқармаси (Ўз.Р ИИВ ЁХББ) А.Х. Кулдашев, Н.С. Шадманходжаев, Н.Б. Лобанов, М. Иброхимов, А.А. Пугин ОТАЖ «Ўзоғирсаноатлойиха» С. Саидазимов

Муаллифлар: Ф.Ф. Бакирханов, А.Д.Худоев, Н.Б.Лобанов

Тасдиқлашга тайёрлади: Ўзбекистон Республикаси Меъёрчилик ва қурилиш бош бошқармаси (мониторинг ва меъёрий-лойиҳалаш бошқармаси) М.М. Зохидов

Давлат тилига таржимачилар: И.И.Сиддиқов, Н.Н.Зулунов (Ўз.Р ИИВ ЕХОТМ)

Келишилган: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин ҳавфсизлиги Бош бошқармаси /ЎзР ИИВ ЁХББ/

Бинолар ва иншоатлар ёнғин хавфсизлиги ШНҚ 2.01.02-2004 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатга киритилиши билан «Ёнғинга қарши меъёрлар» СНиП 2.01.02-85 ўз кучини йўқотади.

Мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш Давлат қўмитаси руҳсатисиз тўла ёки қисман нусха кўчириб, кўпайтириб расмий нашр сифатида таркатилиши ман этилади.

Узбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси (Давархитектқурилиш)	Қурилиш меъёрлари ва коидалари	ШНҚ 2.01.02-2004
	Бино ва иншоатларнинг ёнғин хавфсизлиги	СниП 2.01.02-85 ўрнига.

Мазкур меъёрлар минтақавий талаблар, МСН 2.02.01-97 «Бинолар ва иншоатлар ёнғин хавфсизлиги» хамда стандартлаштириш ва меъёрлаштириш бўйича халқаро ташкилотларнинг тавсияларига биноан ишлаб чикилган ва Ўз.Рда қурилиш ишлари жараёнида ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги меъёрий хужжатлар тизимида ёнғин хавфсизлигининг асосий хужжати ҳисобланади.

Ушбу хужжат СНиП 2.01.02-85* «Ёнғинга қарши меъёрлар» ва у билан алоқадор хужжатлардан курилишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича асосий фарклари бўлиб:

- бошқа ёнғин хавфсизлиги талабларига нисбатан, ёнғин вақтида инсонларни хавфсизлигини таъминлашга қаратилган талабларнинг устиворлиги;

- ёнғинга қарши талабларни объектларнинг лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш жараёнларини барча босқичларида, шу жумладан, қайта тиклаш, таъмирлаш ва функционал вазифаларини ўзгартиришда ҳам қўллаш имкони борлиги;

- бино ва иншоатларни ёнғинга қарши ҳимоясига қаратилган асосий талабларни, ушбу ҳимоялашнинг мақсадлари шаклида ифодаланиши;

- ёнғин хавфсизлигини таъминловчи восита шакли ва усулларини таърифлашда мумкин қадар қискартириш имкони;

- ёнғинга қарши меъёрларни синфий асосларини сезиларли ривожлантириш мақсадида бино ва иншоатларни вазифасига кўра кўлланилишини, ёнгин содир бўлганида ва тарқалишида бино ичидаги инсонларнинг, шунингдек, бинонинг бунёд этилишига қўлланилган ва ашёларни таъсирчанлигини, ёнғинга қарши ҳимоялаш восита ва усулларини англашда вариантларни кенгайтириш ҳамда ёнғин ҳавфига мутаносиблигини ошириш учун объектив ва дифференциаллашган ҳолда ҳисобга олиш;

Ҳаракатда бўлган ҚМҚ ва СниП ва бошка меъёрий ҳужжатларнинг аксариятдаги ёнғинга қарши қоида ва талаблар СНиП 2.01.02-85*да кўрсатилган яъни, бино ва иншоатларнинг қурилиш конструкцияларига, мухандислик тизимларига, конструкция ва материалларга бўлган ёнғинга қарши қоида ва талабларга таянилган меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чикилмагунига қадар ўз кучини йўқотмайди.

Ўтиш даврида техник ушбу ҳужжатларда қурилиш маҳсулотларига бир вақтнинг ўзида СНиП 2.01.02-85* ва бошка ҳаракатдаги меъёрларда қоидалар белгиланмаган

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ОАЖ томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2004 йил 28 декабр кунидаги 82 сонли буйруғи билан тасдиқланган	Кучга кириш муддати 2005 йил 2 февралдан

каби ёнғин техник тавсифлари келтирилиши мумкин.

Мазкур меъёрий ҳужжатда риоя этилиши шарт бўлган ёнғинга қарши талаблар келтирилган айрим ҳолларда, қайсидир талаблардан чекиниш имконияти фараз қилинса, унда «одатда» эслатмаси билан ва йўл қўйиладиган чекланиш шартлари ифодаланади.

Мазкур меъёрни меъёрлари олдин амалга киритилган махсулот турларига қўллаш имконияти истисно этилмайди. Бинобарин, бино ва иншоатларни мазкур меъёр талабларига асосланган ёнғинга қарши ҳимоялаш тизими, ҳамда СниП 2.01.02-85* «Ёнғинга қарши меъёрлар» ҳолатларига асосланган тизим сифатида ҳам, объектларни айрим қисмлари ёки айрим ҳимоя воситалари ва усуллари учун эмас, балки бутунлай маскан учун комплекс қўлланилиши кераклигини ҳисобга олиш зарур.

Қурилиш махсулотларига олдин киритилган меъёрлар ва хужжатларда ишлатиши мумкин лекин, ёнғинга қарши бино ва иншоатларнинг коидалари, СНиП 2.01.02-85* «Ёнғинга қарши меъёрлар» ва бу хужжатга қарашли қоидаларига бирга тўла кўриши шарт. Қурилиш маҳсулотларининг ёнғин-техник кўрсаткичларини аниқлаш усулларига янги давлат мезонларини киритилиши, кўп ҳолатларда мутассади (Уз.Р. СТ сертификация тизимида аккредитация этилган) ташкилотларга мазкур меъёрий хужжатда МСН 2.02.01-97 қабул қилинган таснифига биноан кўрсаткичларни белгилашга имкон беришини эслатиб ўтиш лозим.

1. ҚЎЛЛАНИШ СОХАЛАРИ

1.1. Бу меъёрлар ва қоидалар бинолар, хоналар ва бошқа қурилган иншоатларини барпо этиш ва эксплуатация килишининг барча жараёнларида, уларнинг эгалик шакли ва идоравий қарашлилигидан катъий назар ёнғинга қарши умумий талабларини, шуниндек, биноларнинг ва уларнинг элемент ҳамда қисмларини, хоналарни, қурилиш конструкциялари ва материалларини ёнғин-техник таснифларини белгилаб беради.

1.2. Бинолар, қурилиш конструкциялари, махсулот ва материалларнинг меъёрий ва техник ҳужжатларида ёнғин-техник тавсифлари мазкур меъёрда белгилангандай кўрсатилиши керак.

1.3. Асосланган ҳолларда, конкрет объектлар бўйича қурилиш меъёр қоидаларидаги ёнғинга қарши талаблардан чекланишларга ва ёнғинга қарши меъёрлари бўлмаган алохида мураккаб ва маҳсус белгиланган ноёб биноларга ўзига хос ёнгинга қарши талабларни ўз ичига олган техник шартларни тузишга рухсат ЎзР Давархитектқурилиш қўмитаси томонидан, Ўзбекистон ИИВ ЁХББ билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

1.4. Мавжуд (ёки фойдаланилаётган) бинолар ёки алохида хоналарнинг вазифасини ва уларнинг ҳажмий-режавий конструктив ечимларини ўзгартиришда ушбу бино ёки хоналарнинг янги мақсадларини ҳисобга олган холда амалдаги меъёрлар қўлланилиши лозим.

1.5. Қурилиш меъёрий хужжатлари тизимидаги ёнғинга қарши меъ-

ёр ва талаблар мазкур меъёр талабларига асосланиши керак.

1.6. Мазкур меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган ёки келишилган ҚМҚ ва бошқа Давлат меъёрий ҳужжатларида баён этилганларга қўшилади ва аниқлик киритилади.

Ушбу меъёрий ҳужжатда РСТ Ўз.1.10-93 ва ГОСТ 12.1.033да келтирилган атамалар ва таърифлар қабул килинган.

1.7. 5,6,7 бўлимлар маҳсус бинoларга (харбий мақсадлардаги портловчи модда ва портлатиш воситаларини ишлаб чикариш ва саклаш, тоғ қазилмалари ва метроларнинг ер ости иншоатлари) тааллукли эмас.

2. МЕЪЁРИЙ ХОЛАТЛАР

Бу меъёрий коидаларда хар хил меъёрий хужжатларни карши куриш зарур:

- ГОСТ 12.1.033-81 ССБТ «Ёнғин хавфсизлиги. Терминлар ва таърифлар»;
- ГОСТ 12.1.044-89 ССБТ «Модда ва ашёларни ёнғин-портлаш хавфи»;
- ГОСТ 3044-97 «Қурилиш материаллари. Аланга тарқалишини синаш усуллари»;
- ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш»;
- ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш»;
- МСН 2.02.01-97 «Бинолар ва иншоатларнинг ёнғин хавфсизлиги»;
- РСТ Ўз.30244-94 «Қурилиш конструкциялари. Ёнувчанликка синов усуллари»;
- РСТ Ўз.30247.1-94 «Қурилиш конструкциялари. Оловга бардошликни синаш усуллари. Юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар».
- РСТ Ўз.30247.2-94 «Қурилиш конструкциялари. Эшик ва дарвозалар оловга бардошликни синаш усуллари»;
- РСТ Ўз.30402-96 «Қурилиш материаллари. Алангаланишини синаш усуллари».
- РСТ Ўз.30247.0-94 «Қурилиш конструкциялари. Оловга бардошликни синаш усуллари»;

3. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

3.1. Ёнғин ҳолатида биноларда қуйидаги конструктив, хажмий-режавий ва мухандислик-техникавий ечимлар таъминланиши зарур:

- ёнғиннинг хавфли омиллари таъсири натижасида одамларнинг ҳаётига ва саломатлигига хавф туғилмасидан, уларни ёши ва жисмоний ҳолатидан қатъий назар ташқарига, бино атрофидаги худудга (кейинчалик-«ташқарига») эвакуация қилиш имконияти;
- одамларни қутқариш имконияти;
- ёнғин ўчоғига ёнғин ўчириш бўлинмаларининг шахсий таркибини бориш ва ёнғин ўчириш воситаларини етказиб бериши, шунингдек одамларни ва моддий бойликларни кутқариш тадбирларини ўтказиш имконияти;
- билвосита ва бевосита моддий зарарларни чеклаш, шу ҳисобда бинодаги мавжуд жиҳозлари ва бинонинг ўзини ҳам, бунда зарар миқдори, ёнғинга қарши тадбирлар,

ёнғин хавфсизлик хизмати ва уни техник таъминланиш сарфини иқти-содий асосланган ҳолда;

- ёнғинни ён атрофда жойлашган биноларга, шу жумладан, ёнаёт-

ган бино қулаган ҳолда ҳам тарқалмаслиги.

3.2. Қурилиш жараёнида таъминланиши зарур:

- амалдаги меъёрларга биноан ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳада, назарда тутилган ёнғин;

- қарши тадбирларнинг устувор бажарилиши;

- қурилаётган ва ёрдамчи объектларни ёнғиндан саклашда назарда тутилган хавфсизлиги коидаларига риоя қилинган ҳолда қурилиш ва монтаж ишларини олиб бориш;

- ёнғинга қарши кураш воситаларини мавжудлиги ва уларни соз холда тутиш;

- қурилиш майдони ва қурилаётган объеклардан ёнғин вақтида одамларни хавфсиз эвакуация килиб қутқариш, ҳамда моддий товар бойликларни сақлаш имконияти;

3.3. Фойдаланиш жараёнида кўзда тутилиши керак:

- бинонинг ҳолати ва уни ёнғинга қарши ҳимоя воситалари лойиҳа ва техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишчи ҳолатида бўлишини таъминлаш;

- тасдиқланган ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларини, белгиланган тартибда бажаралишини таъминлаш;

- конструкциявий, ҳажмий-режавий, муҳандислик техникавий ечимларни лойиҳасиз, ҳамда амалдаги меъёрларга биноан ишлаб чиқилмаган ва ўрнатилган тартибда лойиҳа ҳужжатлари тасдиқланмаган бўлса, ўзгартиришига йўл қўймаслик;

- таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда, амалдаги меъёрлар таълабларига жавоб бермайдиган конструкциялар ва ашёлар кўлланишига йўл қўймаслик зарур.

3.4. Агар бино қурилишига, одамлар сони ёки ёнғин нагрузкаси бинода ёки унинг бирор бир қисмида чекланишлар ҳақида маълумотлар ўрнатилган бўлиши лозим, бино маъмурияти эса, ёнғинни олдини олиш ва ёнғин чоғида одамларни эвакуация қилиш бўйича махсус ташкилий тадбирлар ишлаб чиқиши керак;

3.5. Биноларни ёнғинга қарши ҳимоялаш бўйича тадбирлар ўт ўчирувчи бўлинмаларининг техник жиҳозланганлиги ва уларнинг жойлашишини ҳисобга олган ҳолда назарда тутилади.

3.6. Биноларнинг ёнғинга хавфлилигини таҳлил қилишда, ёнгиннинг хавфли омилларини олиши ва тарқалиши, одамлар эвакуацияси ва ёнғин билан курашнинг вақти томонларини нисбайлигига асосланган ҳисобий сценарийдан фойдаланиш мумкин.

4. ЁНҒИН -ТЕХНИК ТАСНИФИ

4.1. Қурилиш ашёлари, курилмалари, хоналар, бинолар, бино унсурлари ва кисмларини, ёнғин-техник таснифи, ёнғиннинг хавфли омилларини пайдо бўлишига имкон берувчи ва ёнғин хавфини орттирувчи хусусиятлар ва шу билан бирга, ёнғин содир бўлишига ва уни хавфли омилларини тарқалишига қаршилик кўрсатувчи хусусиятларга бўлиниши билан асосланади.

4.2. Ёнғин-техникавий таснифи, қурилмаларга, хоналар, бинолар, бино унсурлари ва қисмларини, уларнинг ёнғин бардошлилиги ва (ёки) ёнғинга хавфлилигига боғлиқ равишда ёнғинга қарши ҳимоя бўйича

зарур талабларни ўрнатиш учун белгиланади.

Қурилиш ашёлари

4.3. Курилиш ашёлари фақат ёнғин хавфлилиги билан тавсифланади қурилиш ашёларининг ёнғинга хавфлилиги қуйидаги ёнғин-техникавий таснифлар билан аниқланади:

- ёнувчанлик, алангаланиш, юзд бўйича аланга таркалиши, туташ қобилияти ва заҳарлилиги.

4.4. Қурилиш ашёлари ёнмайдиган (ЁНМ) ва ёнувчан (ЁН) га бўлинади.

Ёнувчан бинокорлик ашёлари тўрт гурухга бўлинади:

Ё$_1$ (кучсиз ёнувчан)

Ё$_2$ (мўътадил ёнувчан)

Ё$_3$ (меъёрида ёнувчан)

Ё$_4$ (кучли ёнувчан)

Ёнувчанлик ва бинокорлик ашёлари ёнувчанлик бўйича гурухлари Ўз РСТ 30244-94 билан ўрнатилади.

Ёнмайдиган бинокорлик ашёлари учун ёнғин хавфлилиги кўрсаткичлар аниқланмайди ва меъёрланмайди.

4.5. Ёнувчан биноларнинг ашёлари алангаланиш бўйича уч гурухга бўлинади:

А1 (қийин алангаланувчан);

А2 (мўътадил алаигаланувчан);

А3 (енгил алангаланувчан);

Бинокорлик ашёлари алангаланувчанлик бўйича гурухлари Ўз РСТ 30402-96 бўйича ўрнатилади.

4.6. Ёнувчан биноларнинг ашёлари аланганинг юза сатҳида тарқалиши бўйича тўрт гурухга бўлинади:

АТ$_1$ (аланга тарқатмайдиган);

АТ$_2$ (кучсиз аланга тарқатувчи);

АТ$_3$ (мўтадил аланга тарқатувчи);

АТ$_4$ (кучсиз аланга таркатувчи);

Бинокорлик ашёлари аланга тарқалиши бўйича гурухлари том қатламлари сатхи, поллар, шу жумладан ёпмалар учун ГОСТ 30444 бўйича аниқланади.

Бошқа бинокорлик ашёлари учун алангани юза бўйича тарқалиши гурухи аниқланмайди ва меъёрланмайди.

4.7. Ёнувчан бинокорлик ашёлари туташ қобилияти бўйича уч гурухга бўлинади.

Т$_1$ (оз туташ кобилиятига эга бўлган);

Т$_2$ (мўътадил туташ қобилиятига эга бўлган);

Т$_3$ (юқори туташ кобилиятига эга бўлган).

4.8. Ёнувчан бинокорлик ашёлари ёниш маҳсулотларининг заҳарлилиги бўйича тўрт гурухга бўлинади:

З$_1$ (кам хавфли);

З$_2$ (мўтадил хавфли);

З$_3$ (юқори хавфли);

З$_4$ (ўта хавфли).

Бинокорлик ашёлари ёниш маҳсулотлари заҳарлилиги бўйича гуруҳлари ГОСТ 12.1.044-89, бўйича ўрнатилади.

Қурилиш конструкциялари

4.9. Қурилиш конструкциялари ёнғинга бардошлилик ва ёнғинга хавфлилиги билан тавсифланади.

Ёнғинга бардошлилик кўрсаткич бўлиб ёнғинга бардошлик чегараси хисобланади, конструкциянинг ёнғинга хавфлилигини унинг ёнғинга хавфлилик синфи тавсифлайди.

4.10. Қурилиш ашёлари, маҳсулот ва конструкцияларнинг **ёнғинга бардошлик чегараси** муайян қурилма учун меъёрланган бир ёки кетма-

кет бир неча чегара холатини белгиловчи аломатлари пайдо бўлиш вақти (дақиқада) билан ўрнатилади:

- кўтариб туриш кобилиятини йўқотиши (**R**);
- бутунликни йўқотиши (**E**);
- иссиқлик ўтказмаслик қобилиятини йўқотиши (**I**).

Қурилиш конструкцияларининг ёнғинга бардошлик чегараси ва уларнинг шартли белгилари Ўз РСТ 30247.0-94 бўйича ўрнатилади. Бунда деразалар ёнғинга бардошлик чегараси фақат **E** аломатини бошланиш вақти бўйича аниқланади.

4.11. Ёнғинга хавфлилиги бўйича қурилиш ашёлари, маҳсулот ва конструкциялари тўрт синфга бўлинади:

К0 (ёнғинга хавфли бўлмаган);

К1 (кам ёнғинга хавфли бўлган);

К2 (мўтадил ёнғинга хавфли бўлган);

К3 (ёнғинга хавфли бўлган);

Қурилиш конструкцияларининг ёнғин хавфи бўйича синфи ГОСТ 30403 бўйича ўрнатилади.

Ёнгинга қарши тўсиқлар

4.12. Ёнғинга карши тўсиклар ёнғин ўчоғи мавжуд хонадан ёки отсекдан ёнғинни ва ёнғин маҳсулотларни бошка хоналарга тарқалишини олдини олиш учун мўлжалланган.

Ёнғинга қарши тўсиқларга ёнғинга қарши деворлар, оралиқ тўсиқлар, қаватлар ва оралиқ ёпмалар киради.

4.13. Ёнғинга қарши тўсиклар ёнғинга бардошлик ва ёнғин хавфи билан тавсифланади, ёнғинга қарши тўсиқларнинг ёнғинга бардошлиги уларнинг унсурларини ёнғин бардошлилиги билан аниқланади:

- тўсувчи кисм;
- тўсиқнинг турғунлигини таъминловчи қурилмалар;
- уларнинг таянадиган конструкциялари;
- уларнинг ўзаро маҳкамлаш тугунлари.

Ёғинга қарши тўсикнинг турғунлиги таъминловчи қурилмалар, улар таянадиган конструкциялар ва уларни ўзаро маҳкамлаш тугунларнинг ёнғинга бардошлик чегаралари **R** аломати бўйича ёнғинга қарши тўсиқнинг тўсувчи қисмига талаб этиладиган ёнғинга бардошлик чегарасидан кам бўлмаслиги лозим.

Ёнғинга қарши тўсикнинг ёнғин хавфи, унинг турғунлигини таъминловчи курилмалар, улар таянадиган конструкциялар ва уларни ўзаро маҳкамлаш тугунларининг ёнғин хавфи билан аниқланади.

4.14. Ёнғинга қарши тўсиқлар уларни тўсувчи қисмлари ёнғинга бардошлилиги боғлиқ ҳолда турлари 1-жадвалга, ёнғинга қарши тўсиқлардаги бўшлиқларни тўлдириш 2-жадвалга, ёнғинга қарши тўсиқлардаги бўшлиқларда назарда тутиладиган тамбур-шлюзлар 3-жадвалга асосан бўлинади.

Тамбур-шлюзларнинг тўсиқлари ва том ёпмалари ёнғинга қарши бўлиши керак. 1 турдаги ёнғинга қарши тўсиклар **КО** синфли бўлиши лозим.

Алоҳида келишилган ҳолларда **К1** синфли 2-4 турдаги ёнғинга қарши тўсиқлар қўлланишига рухсат берилади.

1-жадвал.

Ёнғинга карши тусиқ номи	Ёнғинга қарши тусиқ тури	Енғинга қарши тусиқ енғин –бар-дошлик чегараси, кам эмас	Бўшликларни тулдирувчилар тури, паст эмас	Тамбур-шлюз тури, кам эмас
Девор	1 2	REI 150 REI 45	1 2	1 2
Тўсиқ	1 2	EI 45 EI 15	2 3	1 2
Ора-ёпма	1 2 3 4	REI 150 REI 60 REI 45 REI 15	1 2 2 3	1 1 1 2

2-жадвал

Ёнғинга қарши тўсиқлардаги бўшлиқлар тўлдиргичлари номи	Ёнғинга қарши тўсиқдаги бўшлиқларни тўлдирувчи-лар тури	Енғин бардошлик чегараси, кам эмас
Эшиклар, дарвозалар Люклар Қопқоклар	1 2 3	EI 60 EI 30 EI 15
Деразалар	1 2 3	EI 60 EI 30 EI 15
Пардалар	1	E1 60

3-жадвал

Тамбур-шлюз тури	Тамбур - шлюзлар унсурлари турлари, паст эмас.		
	Тўсиклар	Ора ёпмалар	Бўшлиқлар, тўлдиргичлар
1 2	1 2	1 4	3 3

Зина ва зина катаклари

4.15. Эвакуация мақсадида фойда-ланиладиган зина ва зина катаклари, қуйидаги зиналар турига бўлинади;

1 -ички зина катакларида;

2 -ички, очиқ;

3 -ташқи, очиқ

Оддий зина катаклари турла-ри:

Л1 - ҳар бир каватдаги ташқи де-ворда ойнавандли ёки очиқ туйнук би-лан;

Л2 - ойнаванд ёки очиқ туйнук ор-

қали табиий ёритиладиган

Тутун қопламайдиган зина ка-таклари турлари:

Н1 - ташқи ҳаво зонаси орқали очиқ ўтиш имкоци бўлган қаватдан зина катагига кириш, бунда ҳаво

зонаси оркали утиш тутун қоплама-сига таъминланган бўлиши лозим;

Н2 - ёнғин вактида ҳаво босими мавжуд зина катагига;

Н3 - қаватдан зина катагига ҳаво босими мавжуд тамбур-шлюз орқали кириш билан.

4.16. Ўт ўчириш ва қутқариш ишларини таъминлаш учун ёнғин зиналари турлари назарда тутилади:

П1 -тип;

П2 -қиялиги 6:1 дан кўп бўлмаган зинапоя.

Бино, ёнғин отсеклари, хоналар

4.17. Бинолар, ҳамда бинолар-нинг Ёнғинга қарши деворлар билан ажратилган қисмлари:

- ёнғин отсеклари (кейинчалик, бинолар),

- ёнғин бардошлик даражаси, курилмавий таснифи ва функциявий ёнғин хавфи бўйича бўлинади. Ёнғин отсекларига ажратиш учун 1-турдаги ёнғинга қарши деворлар қўлланилади.

Бинонинг ёнғин бардошлик даражаси унинг курилиш конструкцияларни ёнғин бардошлиги билан аниқланади.

Бинонинг конструктив ёнғин хавфлилик синфи курилиш конструкцияларини ёнғиннинг таракқий этишида ва унинг хавфли омилларини пайдо бўлишида иштирок этиш даражаси билан аниқланади.

Бино ва унинг қисмларини функционал ёнғин хавфлилик синфи, уларнинг бажарадиган вазифаси ва уларда жойлаштириладиган технологик жараёнларнинг хусусиятлари билан аникланади.

4.18. Бинолар ва ёнғин отсеклари ёнғин бардошлик даражаси бўйича 4-чи жадвалга биноан бўлинади.

4-жадвал.

Бинонинг ёнғин бардошлик даражаси.	**Бинокорлик курилмаларини ёнғин бардошлик чегараси, кам бўлмаслик керак**						
	Бинонинг юк кўтарувчи унсурлари.	**Ташқи деворлар**	**Қаватлар аро ораёп - малар (шу жумладан чордок ва ертўла устидаги).**	**Чордоқсиз томёпмалар.**		**Зина катаклари.**	
				Настиллар (ш.ж. иситувчи қобиғ билан)	**Ферма, балкалар, прогонлар**	**Ички деворлар.**	**Зинапоя ва зина майдончалари.**
I	К120	Е30	КЕ160	КЕ30	К30	КЕ1 120	К60
II	К90	Е15	КЕ145	КЕ15	К15	КЕ190	К60
III	К45	Е15	КЕ145	КЕ15	К.15	КЕ160	К45
IV	К 15	Е15	К.Е115	К.Е15	К15	К.Е145	К15
V	Меъёрлаштирилмайди.						

Биноларнинг юк кўтарувчи унсурларига, ёнғин вақтида умумий турғунлигини ва геометрик ўзгармаслигини таъминлайдиган юк кўтарувчи деворлар, устунлар, боғланишлар, бикрлик диафрагмалари, ораёпма конструкциялари (равоқлар,

фермалар, тўсинлар, плиталар) киради.

Бўшлиқларни (эшиклар, дарвоза, дераза ва люклар) тўлдирувчиларининг ёнғин бардошлик чегараси меъёрланмайди, махсус эслатиб ўтилган холатлар ва ёнғинга қарши тўсиқлардаги бўшлиқлар тўлдирувчилари бундан мустасно.

Жадвалда келтирилган **R 15 (RE 15, REI 15)** конструкцияларининг энг кичик ёнғин бардошлик чегараси талаб этиладиган ҳолларда, ҳақиқий ёнғин бардошлик чегарасидан қатъий назар ҳимояланган пўлат конструкцияларини қўллашга йўл қўйилади, фақат бинонинг юк кўтарувчи унсурларини ёнғин бардошлик чегараси, синов натижалари буйича **R 8** дан кам бўлмаслигини ташкил этган ҳоллар бундан мустасно.

4.19. Бино ва ёнғин отсеклари конструктив ёнғин хавфи буйича 5 жадвалга биноан синфларга бўлинади.

5-жадвал.

	Бинокорлик курилмаларнинг ёнғинга хавфлилиги, кам бўлмаган.				
	Юк кўтарувчи ўзакли унсурлар (устунлар ригеллар фермалар ва бошқалар).	**Ташки деворлар ташқари томондан.**	**Деворлар, пойдевор, оралёпмалар ва чордоксиз томёпмалар.**	**Зина катаклари деворлари ва ёнғинга карши тўсиқ**	**Зинапоя ва зинапоялар майдончалар.**
С 0	К 0	К 0	К 0	К 0	К 0
С 1	К 1	К 2	К 1	К 0	К 0
С 2	К 3	К 3	К 2	К 1	К 1
С 3	Меъёрланмайди.			К 1	К 3

Биноларнинг тўсувчи қурилмаларидаги бўшликлар тўлдирувчилар (эшиклар, дарбозалар, деразалар ва люклар) ёнғин хавфи меъёрланмайди, махсус эслатиб ўтиладиган ҳоллар бундан мустасно.

4.20. Қурилиш амалиётига қурилиш конструкциясини тадбиқ этиш чоғида, уларни ёнғинбардошлик даражаси аниқланмаган бўлса ёки ҳисоблаш йўли билан ёки стандарт оловли синов асосида аниқ ёнғин хавфлилик синфига киритиш имкони бўлмаса, бинонинг натуравий фрагментларини оловли синовдан ўтказиш лозим.

Функционал ёнғин хавфи буйича бинолар таснифи

4.21. Бино ва бино қисми – хонасининг қисми ёки хона гуруҳлари **функционал ёнғин хавфи** буйича бир бирига боғлиқ ҳолда ва уларни қўллаш усулига кўра ҳамда улардаги одамларни хавфсизлигига таҳдид солувчи холатлар, яъни уларни ёшини, жисмоний ҳолатини, уйқу вақтидалигини асосий функционал контингент тури ва миқдорини ҳисобга олган ҳолда синфларга бўлинади:

Ф 1. Одамларни доимий яшаши ва вақтинчалик (шу жумладан кечаю-кундуз) бўлиши учун (бу бино-

лар хоналаридан, одатда кечаю-кундуз фойдаланилади, булардаги одамлар контингенти турли ёшда ва жисмоний холатда бўлишлари мумкин, бу биноларга ётоқхоналари бўлиши хос).

Ф 1.1. Болалар мактабгача муассасалари, қариялар ва ногиронлар уйлари, касалхоналар, мактаб-интернатлар ётоқ бинолари ва болалар муассасалари.

Ф 1.2. Меҳмонхоналар, ётоқхоналар, санаторий ва умумий турдаги дам олиш уйлари, кемпинглар, отеллар ва пансионатлар ётоқ корпуслари.

Ф 1.3. Кўп хонадонли яшаш жойлар.

Ф 1.4. Бир хонадонли, шу жумладан бириктирилган яшаш жойлар.

Ф 2. Томоша ва маданий-маърифий муассалари (бу биноларда асосий хоналар, маълум вақт давомида ташриф қилувчиларининг оммавий келиб кетиши билан ўзига хос).

Ф 2.1. Театрлар, кинотеатрлар, концерт заллар, клублар, истирохат боғлари, спорт иғгшоатлари минбарлари билан, кутубхоналар ва бошқа муассасалар, ёпиқ биноларда ташриф буюрувчилар учун хисобли ўриндиқлар сони билан .

Ф 2.2. Музейлар, кўргазмалар, рақс заллари ва бошқа шунга ўхшаш ёпиқ хоналардаги муассасалар.

Ф 2.3. Ф 2.1. да кўрсатилган муассасалар очиқ ҳавода.

Ф 2.4. Ф 2.2. да кўрсатилган муассасалар очиқ ҳавода.

Ф 3. Аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари (бу корхоналарнинг хоналарида ишловчиларга караганда келувчилар сони кўплиги билан ўзига хос).

Ф 3.1. Савдо корхоналари.

Ф 3.2. Умумий овқатланиш корхоналари.

Ф 3.3. Вокзаллар, аэропортлар,

Ф 3.4. Шифохона ва амбулаторияяар.

Ф 3.5. Маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари бинолари (почта, омонат кассалари, транспорт агентликлари, хукуқий маслахатхоналари, нотариал идоралар, кир ювиш, тикув ателье лари, пойафзал ва кийим таъмирлаш хоналари, кимёвий тозалаш, сартарошхона ва бошқа шунга ўхшаш, шу жумладан ретуал ва диний муассасалар)га ташриф этувчилар учун ўриндиқлар сони ҳисобланмаган ҳолда.

Ф 3.6. Томошабинлар учун минбарлар, маиший хоналар ва хаммоми мавжуд бўлмаган жисмоний тарбия ва соғломлаштириш муассасалари ҳамда спорт машғулотларини ўтказиш муассасалари.

Ф 4. Ўқув юртлари, илмий ва лойиҳалаш ташкилотлари, бошқарув муассасалари (бу бинолар хоналари бир кеча-кундузнинг маълум вақт давомида фойдаланилади ва уларда, одатда, доимий равишда махаллий шароитларга кўниккан белгиланган ёшдаги ва жисмоний холатдаги контингент одамлар бўлади).

Ф 4.1. Мактаблар, мактабгача ёшдаги муассасалар, махсус ўрта ўқув юртлар, коллежлар, лицейлар.

Ф 4.2. Олий ўқув юртлари, малака ошириш муассасалари, мактабгача ёшдаги муассасалари.

Ф 4.3. Бошқарув органлари муассасалари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари. ахборот ва тахририятнашр ташкилотлари, илмий-қидирув ташкилотлари, банклар, идоралар, офислар,

Ф 4.4. Ёнғин ўчириш депоси.

Ф 5. Ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари, иншоатлари ва хоналари (бу турдаги хоналар учун ишловчилар контингенти доимий равишда мавжудлиги билан тавсифланади, шу жумладан кеча-кундуз давомида).

Ф 5.1. Ишлаб чиқариш бино ва корхоналари, ишлаб чиқариш ва лаборатория хоналари, устахоналар.

Ф 5.2. Омборхона бино ва иншоатлари, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмайдиган автомобилларнинг турар жойлари, архивлар, омборхона бинолари.

Ф 5.3. Қишлоқ хўжалик бинолари.

Портлаб-ёниш ва ёнғин хавфига эга ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари, хоналари бунда улардаги мавжуд портлаш ва ёнғин хусусиятига эга моддалар ва ашёларнинг миқдоридан келиб чиқиб ҳамда уларда жойлашган ишлаб чиқариш хавфлиги уларда мавжуд портлашга хавфли хусусиятли моддаларнинг ва ашёларнинг технологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда НПБ 105-95 га асосан тоифаларга бўлинади.

Ф1, Ф2, Ф3, ва Ф4 таснифи биноларда жойлашган ишлаб чиқариш ва омбор хоналари, шу жумладан, лаборатория хоналари ва устахоналар **Ф5** таснифига тааллуклидир.

5. ЁНҒИНГА ОДАМЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

5.1. Мазкур бўлим талаблари одамларни ўз вақтида ва узлуксиз эвакуация қилишга йўналтирилган:

- ёнғиннинг хавфли омиллари таъсирига йўлиқиши мумкин бўлган одамларни қутқаришга;

- одамларни эвакуация йўлларида ёнғиннинг хавфли омиллари таъсиридан ҳимоялаш;

5.2. Одамларни мустақил ташкиллаштирилган ҳолда ёнғинни хавфли омиллари мавжуд хонадан ташқарига чикиш ҳаракати эвакуация жараёни хисо&ианади. Аҳолининг кам ҳаракатланиши гуруҳига кирувчи одамларнинг хизмат ҳам эвакуация хисобланади. Эвакуация – эвакуация чиқиш йўллари орқали амалга оширилади.

5.3. Одамларга ёнғиннинг хавфли омиллари таъсир этганда ёки, шундай таъсир хавфи бевосита таҳдид солганда мажбурий ҳаракатланиши, кутқаришга киради. Қутқариш ишлари ҳам ёнғин ўчириш бўлинмалари ёрдамида ёки махсус ўргатилган ходимлар томонидан, шу жумладан, махсус қутқарув воситаларидан фойдаланилган холда эвакуация ва авария чиқишлари оркали мустакил амалга оширилади..

5.4. Одамларни эвакуация йўлларида ҳимоя қилиш хажмий-режавий, иқтисодий, конструктив, мухандислик-техник ва ташкилий тадбирлар мажмуаси билан таъминланади.

Хона миқёсида эвакуация йўллари, шу хонадан эвакуация чиқиш йўллари орқали, уларда ёнғин ўчириш ва тутунга қарши ҳимоя воситалари хисобга олма-ган ҳолда одамларни бехатар эвакуация килиши таъминлаши лозим.

Хоналар ташкарисида эвакуация йўлларини химояси одамларни бехатар эвакуация қилиш шароитидан келиб чиқиб, эвакуация йўлига чикадиган хоналарнинг функционал ёнғин хавфи эвакуация қилинувчилар сони, бинонинг ёнғин-бардошлик даражаси ва конструктив ёнғин

хавфлик синфи, каватдан ва бутун бинодан эвакуация чиқиш сонини хисобга олган ҳолда назарда тутиш керак.

Хоналар ва хоналардан ташқаридаги эвакуация йўлларидаги конструкцияларнинг юза қатламлари учун кўлланиладиган (пардозлов ва қопламалар) қурилиш ашёларининг ёнғин хавфи, хона ва биионинг функционал ёнғинга хавфи ва эвакуация йўлларини ҳимоялаш бўйича бошқа тадбирларни ҳисобга олган ҳолда чекланиши лозим.

5.5. Қуйидаги 5.9.бандга мос келмаган одамларни қутқаришга мўлжал-ланган тадбирлар ва воситалар, ҳамда чиқишлар, барча хоналар ва бинолардан эвакуация жараёнини ташкил этишда ва лойиҳалашда эътиборга олинмайди.

5.6. А ва Б тоифадаги **Ф5** синфга мансуб хоналарни бир вақтни 50 дан ортиқ одам тўпланиши учун мўлжалланган хона остида, ҳамда ертўла ва цокол каватларда жойлаштиришга йўл кўйилмайди.

Ф1.1, Ф1.2, ва Ф1.3. синфга мансуб хоналарни ертўла ва цокол каватларида жойлаштиришга йўл кўйилмайди.

5.7. Биноларни тутунга қарши ҳимояси ҚМҚ 2.04.05-96 га биноан бажарилиши лозим. Бунда ёнғин вақтида тутунга қарши ҳимоя воситалари (тутун чиқариш копқоклари, тўсиклар ҳаво босими ҳосил килиш ва тутун тортиш вентиляторлари) саклаш учун, автомат тарзда ишга тушиши керак.

Ёнғинни билдирмок тартиби хозирги меъёрий хужжатлар талабларига караб бажармоклиги лозим.

5.8. Ёнғин вактида одамлар хавфсизлиги таминлаш бўйича тадбирларнинг самарадорлиги хисоблаш йўли билан бахоланиши мумкин.

Эвакуация ва авария чиқиш йўллари

5.9. Чиқиш йўллари эвакуация йўли бўлиб хисобланади, агар улар олиб чиқса:

а) 1 қават хонасидан ташкарига

- бевосита;
- йўлак орқали;
- вестибюл орқали (фойе);
- зина катаги оркали;
- йўлак ва вестибюл (фойе) орқали;
- йўлак ва зина катаги орқали.

б) биринчидан ташқари, исталган қаватдаги хонасидан:

- бевосита зина катагига ёки 3-турдаги зинага;
- бевосита зина катагига ёки 3-турдаги зинага олиб чиқувчи йўлакка;
- бевосита зина катагига ёки 3-турдаги зинага чиқиши бўлган хол (фойе)га.

в) а) ва б) да кўрсатилган чиқиш йўли билан таъминланган, шу қаватдаги қўшни хонага (А ва Б тоифадаги Ф5 синфига мансуб хонадан ташқари) А ва Б тоифадаги хонага чиқиш, эвакуация хисобланишига йўл қўйилади, агар у юқорида эелатилган А ва Б тоифадаги хоналарга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, доимий ишчи ўринларисиз техник хонадан олиб чикса.

Ертўла ва цокол қаватдан эвакуация хисобланадиган чиқиш йўлларини, одатда, бинонинг умумий зина катакларидан алохида, бевосита ташқарига чиқиши назарда тутилиши лозим.

Йўл қўйилади:

- ер тўладан эвакуацион чиқиш йўлларини умумий зина катаклари орқали, ташқарига алоҳида чиқиши йўли назарда тутилишига, агар зина катаги бошқа қисмлардан 1-турдаги ёнғинга қарши тўсик девор билан ажратилган бўлса:

- В, Г ва Д тоифадаги хоналар жойлашган ертўла ва цокол қаватлардаги эвакуация жойлари, Ф5 синфига мансуб биноларнинг биринчи қаватида жойлашган Г, Д хоналарга ва вестибюл оркали назарда тутилган бўлса ва 6.29 талабномага риоя килиши зарур:

- Ф2, Ф3 ва Ф4 синфига мансуб биноларнинг ертўла ва цокол қаватларида жойлашган фойе, ечиниш хоналари, чекиш хоналари ва санитария қисмларидан эвакуация чиқиш жойлари, алохида 2- турдаги зиналар бўйича биринчи қаватдаги вестибюл орқали назарда тутилган бўлса;

- хоналардан эвакуация чиқиш йўллари 2-турдаги зинага, йўлак орқали (фойе, вестибюл) бу зинага олиб борувчи бўлиши керак, лекин меъёрий хужжатларнинг талабларида кўрсатилган бўлса.

- бинодан, ертўла ва цокол қаватдан бевосита ташқарига чикиш жойини тамбур билан жихозлашга.

5.10. Эвакуация чиқиш йўллари бўлиб хисобланмайди, агар уларцинг бўшлиқларида сурилувчи ва кўтарилиб-тушувчи эшиклар ва темир иўл ҳаракатли таркиби учун дарвозалар, аГшанувчи эшиклар ва турникетлар урнатилган бўлса.

Темир йўл ҳаракатли таркиб учун мўлжаданган дарвозалар ўзмдаги отилувчи эшиклар эвакуация "яқиш йўллари хисобланиши мумкин.

5.11. Хоналардан, каватлардак ва бинолардан эвакуация чиқиш иўлларини сони ва умумий кенглиги, улар орқали эвакуация қилиниши эҳтимоли бўлган одамларнинг максимал сонига ва одамлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган (ишчи жойидан) энг яқин эвакуация чиқиш жойигача бўлган энг узоқ масофага боғлиқ.

Турли функционал ёнғин хавфига эга ва ёнғинга қарши тўсиклар билан ажратилган бино қисмлари мустакил эвакуация чикиш йўллари билан таъминланиши шарт.

5.12. Иккитадан кам бўлмаган эвакуация чиқиш йўллари бўлиши керак:

- бир вақтни ўзида 10 дан ортик одамни бўлиши мўлжалланган Ф1.1. синфга мансуб хоналардан, сменада ишловчиларни энг кўп сони 5 кишидан ортиқ бўлган А ва Б тоифадаги Ф5 синфга мансуб, В тоифадаги хонадан:

- 25 кишидан кўп ёки майдони 1000 кв.м. ортиқ хонадан;

- бир вақтни ўзида 6 тадан 15 та одам бўлишига мўлжалланган ертўла ва цокол қаватдаги хоналардан бунда иккитадан битта чиқиш 5.20 «д» банд талабига биноан назарда тутишга йўл қўйилади;

- бир вақтда 50 дан ортиқ одам бўлишига мўлжалланган хоналардан;

- жихозларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган Ф5 синфига мансуб хоналардаги очиқ жавонлар ва майдончалардан, бунда ярус пол майдони - 100 кв.м. дан ортик бўлганда - А ва Б тоифадаги хоналар учун ва 400 кв.м. ортиқ бўлганда - иккала тоифадаги хоналар учун.

Икки қаватда жойлашган Ф1.3. синфга мансуб хоналар (хонадонлар), юқори қават 15 м дан баланд жойлашганда, ҳар бир қаватдан эвакуация чиқиш жойига эга бўлиши лозим.

5.13. Қаватлари камида икки эвакуация чиқиш жойларига эга бўлиши керак:

- Ф1.1; Ф1.2; Ф2.1; Ф2.2; Ф3; Ф4. синфга мансуб бинолар;

- қаватдаги квартиралар умумий майдонидан келиб чиқиб Ф1.3. синфга мансуб бинолар, секция турдаги бинолар учун секция қаватида – 500 кв.м. дан ортиқ бўлса; майдони кам бўлганда (қаватдан битта эвакуация чиқиш йўли бўлганда) 15 метрдан ортик, баландликда жойлашган ҳар бир квартира 5.20 банд бўйича эвакуация чиқиш жойидан ташқари, авария холати чиқиш жойига эга бўлиши керак;

- **А ва Б** тоифаси мавжуд **Ф5** синфига мансуб бинолар, бунда ишловчилар сони энг кўп сменада 5 тадан ортиқ одамни ташқил қилса, В тоифада 25 та одамни ташкил қилса;

Ертўла ва цокол қаватлари майдони 300 кв. м. дан ортиқ бўлганда, ёки бир вактни ўзида 15 тадан ортиқ одам мавжуд бўлиши учун мўлжалланганда 2 тадан кам бўлмаган эвакуация чиқиш йўлларига эга бўлиши керак.

Баландлиги 15 метрдан ортиқ бўлмаган **Ф1.2; Ф 3 ва Ф 4.3.** синфига мансуб ва майдони 300 кв. метрдан ортиқ бўлмаган, ҳамда одам сони 20 тадан ортиқ бўлмаган ҳамда зина катагига чиқувчи 2-турдаги эшик билан (2-чи жадвал бўйича) жихозлаган бино қаватларидан (ёки қаватнинг бошқа қисмидан ёнғинга қарши тўсиқ билан ажратилган қават қисмидан) битта эвакуация чиқиш йўли ўрнатишга рухсат берилади.

Қўлланиш:

1. Бинонинг баландлиги юқори қаватнинг жойлаштириш жойидан баландлиги деб, тепадаги техник қаватнинг хисобга олмаган ҳолатда ҳисобланади.

2. Қаватнинг баландлиги ёнғин машиналар юрган юзидан ташқари девордаги деразанинг очиқ бўлган ҳолатдаги чегарасигача масофаси хисобланади.

5.14. Қават иккитадан кам бўлмаган эвакуация чиқиш жойига эга бўлиши керак, агар қаватда 2-тадан кам бўлмаган эвакуация чиқиш йўлига эга бўлувчи хона жойлашган бўлса.

Бинодан эвакуация чиқиш жойлари ва йўлларнинг сони, бинонинг исталган қаватидаги эвакуация чиқиш жойлари сонидан кам бўлмаслиги керак.

5.15. Икки ва ундан ортик эвакуация чиқиш йўллари мавжуд бўлса улар таркатилган ҳолда жойланиши керак.

Икки эвакуация чиқиш жойлари ўрнатилган бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири хонада, қаватда ёки бинода мавжуд бўлган ҳамма одамларни хавфсиз эвакуация қилинишини таъминлаши лозим.

Барча узоқ масофали эвакуация чиқиш жойларидан энг кичик **«L»** узунлиги пастда кўрсатилган тенгламалар ёрдамида топилади:

$L > \sqrt{P(n-1)}$ **бинонинг хона ичидан**

$L > 0{,}33\frac{D}{(n-1)}$ **бино йўлакдан**

бу ерда: **Р** - хонанинг периметри (тўртта девор узунглигининг йиғиндиси);

n - эвакуация чиқиш жойларнинг сони;

D - йўлак узунлиги, м.

Иккитадан ортиқ эвакуация чиқиш жойлари мавжуд бўлса, хонадаги, қаватдаги ёки бинодаги ҳамма одамларни бехатар эвакуация қилиш уларнинг ҳар биридан ташқари, ҳамма эвакуация чиқиш жойлари билан таъминланиши керак.

5.16. Эвакуация чиқиш жойлари баландлиги 1.9 м дан, эни эса кам бўлмаслиги керак:

- 1.2 м дан - **Ф1.1** синфга мансуб хонадан эвакуация қилинадиганлар сони 15 кишидан ортиқ бўлганда, бошқа вазифавий ёнғинга хавфли хона ва бинолардан, **Ф1.3** синфга мансублари 50 кишидан ортиқ бўлганда бундан мустасно.

- 0.8м дан – бўлган ҳамма ҳолларда.

Зина катаклари ташқи тарафдаги эшиклари ва зина катакларидан вестибюлдан чиқувчи эшиклар эни хисоб бўйича, ёки зинапоя эни 5.29 бандда белгиланган зинапоя энидан кам бўлмаслиги лозим.

Барча ҳолатларда ҳам эвакуация чиқиш йўлларнинг эни шундай бўлиши керакки, очиқ жой ёки эшик орқали ўтувчи эвакуация йўлини геометриясини ҳисобга олган ҳолда. одам ётган замбилни бемалол олиб ўтиш мумкин бўлсин.

5.17. Эвакуация чиқиш жойларидаги эшиклар ва эвакуация йўлидаги бошқа эшиклар бинодан чиқиш йўналиши бўйича очилиши лозим.

Эшикларни очилиш йўналиши меъёрланмайди:

а) **Ф1.3** ва **Ф1.4** – синфга мансуб хоналар учун;

б) бир вақтда 15 дан ортиқ киши тўпланмайдиган хоналар учун, **А** ва **Б** тоифадаги хоналар бундан мустасно;

в) сатхи 200 кв. м. дан ортиқ бўлмаган, доимий ишчи ўрни бўлмаган омборхоналар учун;

г) санитария қисмлари учун;

д) 3-турдаги зина майдончасига чиқиш учун;

е) шимолий қурилиш иқлимли минтақасида жойлашган бинолар ташқи эшиклари учун.

5.18. Қаватлараро йўлаклардан, холлардан, фойелардан, вестибюллардан ва зина катакларидан эвакуация чиқиш йўллари эшиклари, уларни калитсиз эркин очилишига ҳалақит берувчи тўсиқлар бўлмаслиги лозим.

Баландлиги 15 м. дан ортиқ биноларда хоналардан ташқари бу эшиклар очилмаган ёки қалин ойнадан бўлиши керак.

Зина катакларида эшиклар ўзўзидан ёпилиши учун мосламалар ва зичлагичларига эга бўлиши шарт.

Ташқарига ёки хоналарга олиб борадиган эшиклар зина каталар томонидан ўз-ўзидан ёпиладиган ва зичлагичлар учун асбоблар бўлиши шарт эмас.

Умумий йўлакларга олиб чиқувчи зина катаклари эшиклари, лифт холлари эшиклари, доимий ҳаво босими бўлган шлюз-тамбур эшиклари ўз ўзидан ёпилиши учун мосламалар ва зичлагичларга эга бўлиши лозим, ёнғин вақтида ҳаво босими бўлган тамбур-шлюз эшиклари ва мажбурий тутунга қарши ҳимояли хоналар эшиклари, эса уларни ўт тушган вақтда ёпилиши

учун автоматикага эга бўлиши керак.

5.19. Эвакуация чиқиш жойлари, талабларга жавоб бермайдиган чиқишларга авариявий сифатида каралиши мумкин ва ёнғин вақтида одамлар хавфсизлигини ошириш учун мўлжалланиши мумкин.

Ўт тушган чоғда авария чиқиш жойлари эвакуация вақтида ҳисобга олинмайди.

5.20. Авария чиқиш жойларига киради:

а) эшик ёки люк ўлчамлари ва зина бўлиши «д» банд бўйича;

б) очиқ балконга ёки лоджияга эни 1.2 м дан кам бўлмаган, балкон ёнидан, дераза бўшлиғигача (ойнаванд эшик) туйнуксиз пойдеворли ёки ойнаванд бўшлиқлар ораси эни 1.6м дан кам бўлмаган (лоджияга) чиқувчи чиқиш жойлари;

в) эни 0.6 м дан кам бўлмаган **Ф1.3.** синфга мансуб бинонинг туташ бўлимига очиқ ўтиш жойига ёки ҳаво минтақаси орқали туташ ёнғин бўлинмасига олиб чиқиш жойи;

г) балкон ва лоджияларни қаватма-қават боғловчи ташқи зина билан жиҳозланган, балкон ва лоджияга чиқиш жойи;

д) пол сатхи – 4,5 метрдан паст ва + 5.0 м дан баланд бўлмаган, ўлчамлари 0.75 х 1.5м дан кам бўлмаган дераза ёки эшик орқали, ҳамда ўлчамлари 0,6хО,8м дан кам бўлмаган люк орқали, бунда чиқиш хонадаги люк-зина орқали, бевосита хонадан ташқарига чиқиш жойлари; бу зиналарнинг қиялиги меъёрланмайди;

е) ўлчамлари ва зиналари I бўйича, дераза, эшик ёки люк орқали, ёнғинбардошлилиги **I** ва **II** даражали **С0** ва **С1** синфга мансуб бино томига чиқиш.

5.21. Фақат мухандислик тармоқлари ўтказиш учун мўлжалланган техник қаватлардан, ўлчамлари 0,75х1,5 м дан кам бўлмаган эшиклар орқали, ҳамда 0,6хО,8 м дан кам бўлмаган люклар орқали эвакуация чиқиш жойларисиз, авария чиқиш жойлари назарда тутилишига йўл қўйилади.

Техник қават майдони 300 м^2 гача бўлганда бир чиқиш жойи мўлжалланишига рухсат этилади, кейинги ҳар бир, тўла ёки тўлиқсиз 2000 м^2 майдонга, яна камида бир чиқиш жойи кўзда тутилиши лозим.

Техник қаватларда эвакуация чиқиш жойлари 1,8 м дан кам бўлиши мумкин эмас.

Бу чиқиш жойларини техник ертўлаларда, бинодан чиқиш жойларидан алоҳида бўлиши ва бевосита ташқарига олиб чиқиши лозим.

Эвакуация йўллари

5.22. Эвакуация йўллари ҚМҚ-2.01.05-98 талабларига мувофиқ ёритилиши керак.

5.23. Хонанинг энг узоқ нуқтасидан, **Ф5** синфга мансуб бинолар учун энг узоқда жойлашган иш ўрнидан, энг яқин эвакуация чиқиш жойигача йўл қўйиладиган эвакуация йўли ўки бўйича ўлчанадиган чегаравий масофа бино ва хонанинг портлаш ёнғин хавфлилиги тоифаси вазифавий ёнғинга хавфлилиги, эвакуация қилинадиганлар сони, бинонинг курилмавий ёнғинга хавфлилиги синфга мансублиги ва ёнғинбардошлик даражасига боғлиқ.

2-турдаги зина бўйича эвакуация йўлини узунлигини унинг уч-

ланган баландигача тенг қилиб олиш керак.

5.24. Эвакуация йўлларини 5.9-ни ҳисобга олган ҳолда назарда тутилиши лозим; улар тортлов эскалаторлар, ҳамда қуйидаги участкаларни ўз ичига олмаслиги керак;

- лифт шахталаридан чиқиладиган йўлаклар орқали ёки лифт холлари ва лифт олдидан тамбурлар орқали, агар лифтлар шахталарини тўсиб турувчи курилмалари, ёнғинга қарши тўсиқларга қўйиладиган талабларга жавоб бермаса;

- зина катаклари йўлакнинг бир қисми бўлганда, зина катаклари орқали ўтиш жойини ва хона орқали, унинг ичида 2-чи турдаги зина жойлаштирилган бўлса, лекин эвакуация жараёнга эга бўлмаса;

- бир жойи бўйича, фойдаланиладиган том ёки махсус жиҳозланган том қисми бундан мустасно;

- иккидан ортиқ қаватли ярусли боғловчи ҳамда ертўла ва пойпеш қаватидан олиб борувчи 5.9 да кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно, 2-турдаги зиналар.

5.25. Ҳамма тоифадаги ёнғинбардошлик ва қурилмавий ёнғинга хавфлилик синфига мансуб **V** даражали ёнғинбардош бинолардан ташқари, биноларда эвакуация йўлида қуйидагидан, ортиқ юқори ёнғинга хавфли ашёлар қўлланишига йўл қўйилмайди:

- **Г1, В1, Д2, Т2**-синфи деворларини пардозлаш ва вестибюл, зина катаклари, лифт холлари осма шифтларини тўлдириш учун;

- **Г2, Д3, Т3** - ёки **Г2, В3, Д2, Т2** - деворларни, шифтларни пардозлаш ва умумий йўлаклар, холлар ва фойелар осма шифтларини тўлдириш учун;

- **В2, РП2, Д3, Т2** - умумий йўлакларда, холларда ва фойе поллари қопламаси учун.

Енгил алангаланадиган суюқликлар ишлаб чиқариладиган, қўлланадиган ёки сақланадиган **А, Б** ва **В1** тоифадаги **Ф5** синфга мансуб хоналарда полларни ёнмайдаган ашёлардан ёки **Г1** ёнувчанлик гуруҳидаги ашёлардан тайёрланиши лозим.

Хоналарда ва эвакуация йўлида осма шифтлар сирти ёнмайдиган ашёлардаги тайёрланиши керак.

5.26. Умумий йўлакларда, 5.9. бандда кўрсатилган бўйича, меъёрларда махсус эслаб ўтилган ҳоллар бундан мустасно, 2 метрдан паст баландликда деворлар сатҳида газ қувурлари ва ёнувчи суюқликлар қувр ўтгазгичлари, шунингдек бириктирма шкафлар, коммуникация ва ёнғин жўмраклари учун шкафлардан ташқари, жихозлар жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

60 метрдан ортиқ узунликдаги умумий йўлакларни 2-турдаги ёнғинга қарши узунлиги давлат меъёрий хужжатлари билан аниқланадиган, лекин 60 метрдан ошмайдиган пойдеворлар билан участкаларга бўлиниши лозим.

Хоналардан йўлак томонга очиладиган эшиклар учун эвакуация йўлларни эни йўлак энига қараганда камайтириш шарт.

- эшик энининг ярмига, эшиклар бир томондан жойлаштирилган бўлса;

- эшиклар эни масофасига эга бўлса, эшиклар икки томонидан жойлаштирилган бўлса, лекин бу талабнома ҳар қаватли бўлган йўлаклар (холлар) **Ф1.3**. синфдаги биноларда бўлганда ва ҳар бир

хонадан зина катагига чиқиш йўли бўлганда бу қоида бўлиши шарт эмас.

5.27. Эвакуация йўллари уфқий участкаларнинг соф баландлиги 2 метрдан кам бўлмаслиги лозим, эвакуация йўллари уфқий участкалари ва пандуслар эни кам бўлмаслиги лозим:

- 1,2 м – **Ф1** синфга мансуб хоналардан 15 дан кўп киши, бошқа синфга мансуб вазифавий ёнғинга хавфли хоналардан 50 дан ортиқ киши эвакуация қилиши мумкин бўлган умумий йўллар учун;

- 0,7 м – якка ишчи ўринларига жойлари учун;

- 1.0 м – ҳамма бошқа холларда.

Исталган вазиятда эвакуация йўлларини эни, унинг геометриясини ҳисобга олган ҳолда, одам ётган замбилни бемалол олиб ўтиш мумкин бўлиши керак.

5.28. Эвакуация йўлида полда 45 см дан кам бўлмаган баландлик ўзгаришига, эшик остоналари, бундан мустасно, йўл қўйилмайди. Баландлик ўзгарадиган жойда 3 тадан кам бўлмаган поғонали зина ёки қиялиги 16 дан ортиқ бўлмаган намдус назарда тутиши керак.

Зина баландлиги 15 см дан ортиқ бўлганда тутқичли тўсиқ кўзда тутиш лозим.

Эвакуация йўлларида айланма зиналар ва қўшимча зина олди пиллапоялари, ҳамда зина ва зина катагида турли эндаги ва баландликдаги поғоналар ўрнатишига йўл қўйилмайди.

Зина ва зина катаклари бўйича эвакуация

5.29. Эвакуация учун мўлжалланган зина, шу жумладан зина катаклари жойлашган зиналар эни ундан исталган эвакуация чиқиши жойи (эшик) энидан кам бўлмаслиги, лекин одатда:

а) 1,35м дан – **Ф1.1** синфга мансуб бино учун;

б) 1,2м дан – биринчи қаватдан ташқари, исталган қаватда мавжуд одамлар сони 200 кишидан кўп бўлган бинолар учун;

в) 0,7м дан – якка иш жойларига олиб борувчи зиналар учун;

г) 0,9м дан – қолган ҳамма ҳоллар учун кам бўлмаслиги керак.

5.30. Эвакуация йўлларида зина қиялиги, одатда 1:1 дан ортиқ; поғона эни, одатда 25 см дан баландлиги эса 22 см дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Якка ишчи ўринларига ўтиш жойлари учун зиналар қиялиги 2% гача кўпайтириш мумкин. Эгри чизиқли тантанавор зиналар тор қисмида поғоналар энини 22 см гача, фақат умумий иш ўринлари 15 кишидан кам бўлган хоналар (**А** ва **Б** тоифадаги Ф5) синфга мансуб хоналардан ташқари) олиб борувчи зиналар поғоналари эни 12 см гача камайтиришга йўл қўйилади.

Учинчи турдаги зиналар одатда **К1** синфга мансуб, ёнғинбардошлик чегараси **REI-30** дан кам бўлмаган деворларнинг туйнуксиз (ёруғлик тушиш бўшлиқларисиз) қисмида ёнмайдиган ашёлардан тайёрланиши лозим. Бу этажлар эвакуация чиқиш жойлари сатхидан 1,2 м баландликда тўсиқли майдонларга эга бўлиши ва даража бўшлиғидан 1м дан кам бўлмаган масофада жойлашиши лозим.

5.31.Зина майдонлари эни, зинапоя энидан кам бўлмаслиги, кенгайтирилган эшикли лифтларга чи-

қиш олдида – зинапоя эни ва лифт эшиги энининг ярми йиғиндисидан, аммо 1,6 м дан кам бўлмаслиги бўлиши шарт. Тўғри зинапояларда ора майдончалар эни 1м дан кам бўлмаслиги лозим.

Зина катагига чиқувчи эшиклар очиқ ҳолда зина майдонларини ва зина пояларни энини камайтирмаслиги керак.

5.32. Зина катакларида газ қувурлари ва ёнувчи суюқликлар қувур ўтгазгичларини, тиркаш шкафларни, коммуникация ва ёнғин жўмраклари учун шкафлардан ташқари, электр кабеллари ва симлари (йўлаклар зина катакларни ёритиш учун электр ўтказгичлар бундан мустасно) исталган хоналарни жипслаштириб қуриш, юк лифтлари ва юк кўтаргичларидан чиқиш жойларини назарда тутиш, ҳамда девор сатҳида поғона ва зина майдончаси юзасидан 2,2 м гача баландликда, бўртиб чиқиб турувчи жиҳозлар жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Баландлиги 28 метрдаги бўлган биноларда одатий зина катакларида ахлат ўтказгичлар ва хоналарини ёритиш учун электр ўтказгичлар назарда тутишга йўл қўйилади.

Оддий зина катакларнинг ҳажмида фақат сақлаш хоналарни жойлаштиришга рухсат берилади.

Биринчи ёки ертўла қаватнинг зина катагининг остида иситиш, сув ўлчагич, электр асбобларни текшириш учун хоналарни жойлашткриш лозим.

5.33. Зина катакларидан тутун қопламайдиганларидан ташқари 1-қаватда пастга тушмайдиган иккидан кўп бўлмаган лифт жойлашишига рухсат этилади.

Тутун қопламайдиган зина катакларида биринчи қаватдан пастга тушмайдиган, лифт шахталарини тўсувчи қурилмалари ёнмайдиган ашёлардан бўлган, иккитадан кўп бўлмаган лифт жойлаштиришга йўл қўйилади.

Бинолар ташқарида жойлаштирилган лифт қудуқлари фақат ёнмайдиган конструкциялардан тўсувчи курилмаларини ишлатиш мумкин ва уларнинг ёнғинга бардошлик чегараси меъёрий қоидаларга тенг бўлиши шарт эмас.

Тутун қопламайдиган зина катакларида фақат иситиш жиҳозлари жойлаштириш мумкин.

5.34. Зина катаклари бевосита ташкарига бино атрофидаги худудга чиқиши керак. Зина катакларидан, шунингдек вестибюлга чиқиш мавжуд бўлса, у ҳолда вестибюл йўлаклари ва ёнидаги хоналардан 1-турдаги ёнғинга қарши пойдеворлар билан ажратилган бўлиши лозим.

Иккита зина катакларидан эвакуация чиқиш жойлар бўлганда ва улар умумий вестибюл томондан чиқиш жойи орқали бевосита ташқарига чиқиши лозим.

Н1-турдаги зина катаклари фақат, бевосита ташқарига чиқиш жойига эга бўлиш керак.

5.35. Зина катаклари **Л2** турдаги зиналардан катаклар бундан мустасно, одатда, ташқи деворда, ҳар бир қаватда юзаси 1.2 м^2 дан кам бўлмаган ёриқлик тушувчи бўшлиқларига эга бўлиши лозим.

Биноларда эвакуация учун мўлжалланган, 50% дан кўп бўлмаган ички зина катакларини ёруғлик тушувчи бўшлиқларсиз назарда тутилишига йўл қўйилади:

- Ф2,Ф3 ва **Ф4** синфга мансуб – **Н2** тоифали ёки **Н3** ёнғин чоғида ҳаво босими;

- Ф5 синфга мансуб **В** тоифадаги баландлиги 28м гача, **Г** ва **Д** тоифадагиларда бино баландлигидан қатъий назар, **Н3** тоифадаги ёнғин чоғида ҳаво босими.

Л2 турдаги зина катаклари томёпмада 4м^2 дан кам бўлмаган ёруғлик тушувчи бўшлиқларга, зинапоялар оралиғида эни 0,7м дан кам бўлмаган масофага ёки бинонинг бор баландлиги бўйича шарқий кесимида юзаси 2м^2 дан кам бўлмаган ёруғлик шахтасига эга бўлиши лозим.

5.36. **Н2** ва **Н3** туридаги зина катаклари тутунга қарши ҳимояси ҚМҚ 2.04.05-97 меъёрий хужжатларига биноан назарда тутилиши лозим.

Зарур бўлса **Н2** турдаги зина катакларини 1-чи турдаги туйнуксиз ёнғинга қарши пойдеворлар билан баландлиги бўйича қисмларга бўлиш лозим, бунда қисмларга ўзаро ўтиш жойлари зина катаги хажмидан ташқарида бўлади.

Н2 турдаги зина катакларида ойналар очилмайдиган бўлиши лозим.

5.37. **Н1** турдаги тутун қопламайдиган зина катакларига ташқи ҳаво минтақаси орқали олиб берувчи ўтиш жойининг тутун қопламаслиги унинг қурилмавий ва хажмий-режавий ечимлари билан таъминланиши лозим: бу ўтиш жойлари очиқ бўлиши лозим,

Бинонинг ташқари девори бошқа деворгача тарқалиши 135 градусдан кам бўлган ҳолда, яқин турадиган ташқари деворгача горизонтал масофаси ички бурчакгача 4м дан кам бўлиши мумкин эмас ва бу масофа ташқари деворнинг устун миқдоригача камайтириш мумкин, лекин бу талабнома 135 градусли ички бурчакларда жойлаштирилган ўтишларга ва деворнинг устуни 1,2м дан кўп бўлмаган ҳолда ўтиши зарур эмас.

Зина катаклари эшик бўшлиғи ва энг яқиндаги дераза орасидаги эни – 2м дан кам бўлмаслиги лозим.

Бинонинг ички бурчакларида жойлашмаслиги керак ва 1,2м дан кам бўлмаган энга ва 1,2м баландликдаги тўсиққа эга бўлиши лозим; ташқи ҳаво минтақасида эшиклар орасидаги девор эни 1,2м дан кам бўлмаслиги керак.

5.38. **Л1** турдаги зина катаклари, баландлиги 28 м гача бўлган, ҳамма вазифавий ёнғинга хавфли синфга мансуб биноларда назарда тутилиши мумкин; бунда **Ф5** синфга мансуб **А** ва **Б** тоифали биноларда, **А** ва **Б** тоифадаги хоналардаги қаватлар аро йўлакларга чиқиш жойлари доимий ҳаво босими танбур шлюз орқали кўзда тутилади.

5.39. **Л2** турдаги зина катаклари **I, II ва III** ўтга чидамлик даражали биноларда ва конструктив ёнғин хавфли синфлари **С0, С1** бўлган ҳолатда ундан ташқари **Ф1,Ф2,Ф3 ва Ф4** функционал ёнғин хавфли бўйича ва баландлиги 9м дан ошмаган бўлса жойлаштирилиши лозим.

Ёнғинда тепадаги ёруғлик тушунчаси автоматик равишда очиладиган бўлса, бинонинг баландлигини 12м гача кўпайтириш мумкин, лекин бино **Ф 1.3.** синфида бўлиши шарт ва автоматик ёнғин сигнализацияси ёки ёнғин тўғрисида хабар берадиган асбобларнинг бўлиши лозим.

Фақат :

- **Ф2, Ф3, ва Ф4** синфдаги биноларда бу зиналар 50% кўп бўлиши мумкин эмас, қолганлардан ташқари деворларида ҳар бир қаватда ёритувчи ойналар бўлиши керак;

- **Ф1.3.** синфдаги секцияли биноларда ҳар 4 м. баландликда жойлаштирилган хонада а 5.20. банд бўйича авария чиқиш жойи назарда тутилиши лозим

5.40. Баландлиги 28 м дан ортиқроқ биноларда, ҳамда **Ф5** синфга мансуб, **А** ва **Б** тоифадаги биноларда, одатда **Н1** турдаги, тутун қопламайдиган зина катаклари на-зарда тутилиши керак.

Йўл қўйилади:

- **Ф 1.1, Ф 1.2 ,Ф 2, Ф 3 ва Ф 4** синфларга мансуб, йўлакли турли 50% ортиқ бўлмаган **Н2** ёки **Н3** турдаги зина катакларини назарда тутишга ва ёнғинда ҳавонинг босими бўлиши шарт;

- **Ф 1.3** синфдаги йўлак турдаги би-ноларда 50% кўп бўлмаган зина катак-лари **Н2** турдаги бўлиши лозим;

- **Ф5** синфга мансуб **А** ва **Б** тоифадаги биноларда табиий ёруғлик ва дои-мий ҳаво босимли **Н2** ва **Н3** зина катакларини назарда тутишга;

- **Ф5** синфга мансуб, **В** тоифадаги биноларда **Н2** ёки **Н3** ёнғин чоғида ҳаво босими зина катакларини назарда тутишга;

- **Ф5** синфга мансуб **Г** ва **Д** тоифадаги биноларда **Н2** ёки **Н3** ёнғин чоғида ҳаво босимли зина катаклари, ҳамда **Л1** турдаги зина катакларини, уларни баландлиги бўйича ҳар 20 метрда ёнғинга қарши туйнуксиз пойдеворлар билан бўлинган ва зина катагининг бир қисмидан бошқасига, зина катаги хажми-даги ташқарида ўтиш жойи билан назар-да тутишга.

5.41. Тутун копламайдиган чина катакли биноларда умумий йўлакларни, вестибюлларни, холлар ва фойеларни тутунга қарши ҳимоясини назарда тутиш лозим.

5.42. **I** ва **II** даражали ёнғинбардош **СО** синфга мансуб биноларда, вестибюлдан иккинчи қаватгача 6.30 талабла-рини ҳисобга олган ҳолда, иккинчи турдаги зиналар назарда тутишга йўл қўйилади.

5.43. Баландлиги 28 м дан ортиқ бўлмаган, курилмавий ёнғин хавфлилиги **Ф1.2, Ф2, Ф3, Ф4** синфларга мансуб, I ва II ёнғинбардошлилик тоифасига ва **СО** қурилмавий ёнғин хавфлилиги синфга мансуб меъёрлар билан талаб этиладиган эвакуация зина катаклари мавжуд ва 6.31. талаблари риоя этилган биноларда 2 дан ортиқ қаватни бирлаштирувчи, 2 турга мансуб зиналар кўлланишга йўл қўйилади.

5.44. Эскалаторни 2-турдаги зиналар учун ўрнатилган талабларга мувофиқ назарда тутиш лозим.

6 ЁНҒИН ТАРҚАЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

6.1. Ёнғин таркалишининг олдини олишта ёниш майдони, кучайиши (жадаллашуви) ни ва давомийлигини чекловчи тадбирлар оркали эришилади. Уларга қуйидагилар киради:

- ёнғиннинг хавфли омилларини хона, хоналараро, турли вазифавий ёнғин хавфлилигига мансуб хоналар гуруҳи, қаватлар ва секциялар, ёнғинли бўлинмалар, ҳамда бинолар аро бўйлаб тарқалишига тўсқинлик қилувчи қурилмавий ва хажмий-режавий ечимлар;

- бинолар курилмалари шу жумладан том, тарзлар ва пардозлаш ва қопламалари, хоналар ва эвакуация йўллари, юза қатламларида фойдаланиладиган қурилиш материалларининг ёнғинга хавфлилигини чеклаш;

- хона ва биноларнинг технологик портлаш ёнғинга хавфлилиги пасайтириш;

- бирламчи, шу жумладан автоматик ва ташиб келтирувчи ўт ўчириш воситаларни мавжудлиги;

- сигнализация ва ёнғин ҳақида хабар бериш;

- ёнғинда эвакуация тартибини бошқарма қилиш.

6.2. Биноларнинг ўт ўчириш қайси бўлган қисмлари (техник хоналар ва қаватлар, ертўла ва сопол қаватлар ва биноларнинг бошка қисмлари) ни ёпиш майдони, жадаллашуви ва давомийлигини чеклашга каратилган қўшимча воситалар билан жихозланиши лозим.

6.3. Ёнғин тарқалишини олдини олишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ёнғин бевосита ва билвосита зарарини чеклаш бўйича 4 бўлим талаблари асосидаги техник-иқтисодий ҳисоблар бўйича ҳисоблашга йўл қўйилади.

6.4. Турли вазифавий ёнғинга хавфлилик синфига мансуб, бино қисмлари ва хоналар ўзаро бир биридан меъёрланган ёнғинбардошлик чегарали ва қурилмавий ёнғинга хавфлилик синфига мансуб тўсувчи қурилмалар ёки ёнғинга қарши тўсиқлар билан ажратилган бўлиши лозим.

Бундай тўсувчи қурилмаларга ва ёнғинга қарши тўсиқлар турига, хоналарнинг вазифавий ёнғинга хавфлилиги, снгин юкининг катталиги, бинонинг ёнғинбардошлик даражаси ва қурилмавий ёнғин хавфлилиги синф;а мансублиги ҳисобга олинган ҳолда талаблар қўйилади.

6.5. Бинода ёнғинга қарши тўсиқлар билан ажратилган турли вазифавий ёнғинга хавфлилигига эга қисмлар бўлса, бу қисмларнинг ҳар бири вазифавий ёнгин хавфига мувофиқ келувчи бинога қўйилади-ган ёнғинга қарши, талабларга жавоб бериши лозим.

Бинонинг ёнғинга қарши ҳимоя тизимини танлашда, бутунлай бинонинг вазифавий ёнгинга хавфлилиги, бино қисмларининг турли вазифавий ёнгин хавфлилигида юқори бўлиши мумкинлигини олиш лозим.

6.6. Ф 5 синфларга мансуб биноларга А ва Б тоифадаги хоналар бу технологик талаблар билан йўл қўйилса, ташқи девор олдида, кўп қаватли биноларда эса, юқори қаватларда жойлаштириш лозим.

6.7. Ёритувчи ва пойпеш қаватларда ёнувчан газ ва суюқликлар ҳамда енгил алангаланувчи ашёлар, махсус эслатиб ўтиладиган ҳоллар бундан мустасно, ишлатиладиган ёки сақланадиган хоналар жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

6.8. Бинокорлик қурилмалари ёнғинни хуфия тарқалишига имкон бермаслиги лозим.

6.9. Бинокорлик қурилмалари маҳкамланиш тугунлари ёнғинбардошлиги, қурилманинг талаб этиладиган ўз ёнғинбардошлигидан кам бўлмаслиги керак.

6.10. Зал хоналарида полнинг нишаблигини ташкил этувчи қурилмалар 4 ва 5 жадвалларда қаватлараро ораёпмалар учун ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

6.11. Меъёрланган ёнғинбардошлик ва ёнғинга хавфли тўсувчи

курилмаларни кабеллар ва қувур ўтгазгичлар кесиб ўтиш тугунлари қурилмаларнинг ёнгин техникавий талаб этиладиган кўрсатгичларини пасайтирмаслиги керак.

6.12. Қурилмаларнинг очиқ сатхига суркалган махсус ёнғин ҳимоя қоплама ва шимдиргичлар, курилмаларни пардозлашга қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши шарт.

Бу қолламалар ва шимдиргичлар техникавий хужжатларида уларнинг ўзгариш даврийлиги ёки фойдаланига шароитидан келиб чиқиб қайта тикланиши кўрсатилиши лозим.

Уларни даврий ўзгартириш ёки кайта тиклаш имгониятини истисно этувчи жойларда махсус ёнғин ҳимоя копламалари ва шимдиргичлар қўлланилишига йўл кўйилмайди.

6.13. Ашёларнинг ёнғинга хавфлилигини камайтириш учун қўлланиладиган ёнғинга қарши воситаларни самдрадорлиги 4-чи бўлимда бинокорлик курилмаларини ёнғинбардошлилик чегарасини аниқлаш учун ўрнатиладиган синов воситасида баҳоланилиши лозим.

Қурилмаларни ёнғинга хавфлилигини кўтариш учун қўлланиладиган ёнғинга қарши воситаларни самарадорлиги 4-чи бўлимда қурилиш қурилмаларини ёнғин бардошлик чегарасини аниқлаш учун ўрнатилган синов воситаси баҳоланилиши лозим.

Метал қурилмаларнинг юк кўтариш қобилияти аниқланаётганда ёнғинга қарши ҳимоя воситалари, ҳисобга олинмайдиган самарадорлигини статик юксиз 1,7 м дан кам бўлмаган ўлчовдаги баландликкача кичрайтирилган устунлар моделларини ёки 2,8 м. дан кам бўлмаган ораликдаги тўсинлар моделларини таққослаш синовлари йўли билан баҳолашга йўл қўйилади.

6.14. Томёпма ва ораёпмалар ёнғинбардошлилик чегарасини ошириш учун қўлланиладиган осма шифтлар ёнғинга хавфлилиги бўйича бу томёпма ва ораёпмаларга кўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши лозим,

Осма шифтли хоналардаги ёнғинга қарши пойдеворлар уларнинг юқорисидаги бўшлиқни бўлиб туриши керак.

Осма шифтлар юкорисидаги бўшлиқда ёнувчан газлар, чанг ҳаво аралашмаси, суюқликлар ва ашёлар ташишга мўлжалланган каналлар ва қувур ўтгазгичлар ўрнатилишига йўл қўйилмайди. А ва Б тоифадаги хоналарда осма шифтлар назарда тутишга йўл кўйилмайди.

Ёнғинга қарши тўсиқлар томёпма ва ораёпмалар бўлган хоналарда уларнинг орасидаги бўш жойи бўлиши лозим.

6.15. Ёнғинга қарши тўсиклар бинонинг тўсиб турувчи деворлар билан туташув жойида, шу жумладан, бинонинг шакли ўзгарадиган жойда, бу тўсиқлардан четлаб ўтиб, ёнғин таркалмаслигини таъминловчи тадбирлар назарда тутилиши лозим.

6.16. Биноларни ёнғин бўлимларига ажратувчи, ёнғинга қарши деворлар, бинонинг бор бўйича кўтарилиши ва ёнғин ўчоғи томонида бино қурилмаси қулаб тушган чоғида, ёнмаён жойлашган ёнғин бўлинмасига ёнғин тарқалмаслигини таъминлаши лозим.

6.17. Ёнғинга қарши деворлар пойдеворга ёки пойдевор тўсинларга тарқалиши, бинонинг бор буйича

кўтарилиши, ҳамма қурилмалар ва қаватларни кесиб ўтиши лозим.

Ёнгинга қарши деворлар таянчга ўрнатилган бўлса, таянч конструкцияларнинг ёнғинбардошлик чегараси деворларнинг ёнғинбардошлик чегарасидан паст бўлмаслиги керак.

Ёнғинга карши деворлар бино ва иншоатнинг ёнмайдиган ашёлардан тайёрлаб, сўнг қурилмасига бевосита ўрнатишга йўл қўйилади.

6.18. Ёнғинга қарши деворлар томдан ташқарида кўтариб туриши лозим:

60 см. дан кам бўлмаган масофага, агар чордоқли ёки чордоқсиз томёпмаларининг бирон бир унсури ёнувчан ашёлардан тайёрланган бўлса **Г3, Г4** гуруҳлар бўйича, том бундан мустасно;

30 см. дан кам бўлмаган масофага, агар чордоқли ёки чордоқсиз томёпма унсурлари қалин ёнувчан ашёлардан тайёрланган бўлса **Г1, Г2** гуруҳлар бўйича, том бундан мустасно. Агар чордоқли ёки чордоқсиз томёпма ҳамма унсурлари ёнмайдиган ашёлардан **(НГ)** тайёрланган бўлса, ёнғинга қарши девор томдан кўтарилиб турмаслиги мумкин, том бундан мустасно.

6.19. Ташки деворлари ёнувчан ёки қийин ёнувчан ашёлардан **Г3, Г4** гуруҳлар орқали фойдаланиб бунёд этилган бинолар ёнғинга қарши деворлари бу деворларни кесиб ўтиши ҳамда деворнинг ташқи сатҳидан 30 см. дан кам бўлмаган масофада бўртиб чиқиб туриши лозим.

Ташқи деворлари ёнмайдиган ашёлардан тасмасимон қилиб барпо этилса, ёнғинга қарши деворлар ойналарни бўлиб туриши лозим. Бунда ёнғинга қарши девор, девор сатхидан ташқарига бўртиб чиқмаслиги мумкин.

6.20. Бинони ёнғин қисмларига ажратилишида, баландроқ ва кенгроқ бўлган қисм девор ёнғинга қарши бўлиши лозим. Ёнғинга қарши девор қисмида ёнғинбардошлиги меъёрлаштирилмайдиган дераза, эшик ва дарвозалар ўранатилишига йўл қўйилади, туташган қисмларининг томидан тиклик бўйича 8 м. дан кам бўлмаган ва девордан уфқ бўйича 4 м. дан кам бўлмаган масофада.

6.21. Ёнғинга қарши деворларда шамоллатиш ва тутун ўтказиш каналлари ўрнатишга йўл қўйилади, қачонки улар ўрнатилган жойида ёнғинга қарши девор каналининг ҳар қайси томонида ёнғинбардошлик чегараси деворнииг меъёрлаштирилган қийматидан кам бўлмаган ҳолатда.

6.22. Ёнғинга қарши девор ёки ёнғинга қарши тўсиқларни бинонинг бир қисми бошқаси билан бурчак остида тутатиш жойида ўрнатишда, ташқи деворларда жойлашган бўшлиқлар энг яхши қирралари орасидаги масофа уфқ бўйича 4 метрдан кам бўлмасин, ёнғинга қарши толнинг деворга ёки тўсиққа бурчак остида туташувчи девор, гулқош ва чизиқлари 4 м. узунликда ёнмайдиган ашёлардан тайёрланиши зарур. Кўрсатилган бўшлиқлар орасидаги масофа 4 м.бўлганда, ёнгинга қарши 2-чи турдаги эшик ёки дераза билан тўлдириши лозим.

6.23. Ёнғин чоғида ёнғинга қарши тўсиқлардаги бўшликлар (дарчалар), одатда, ёпиқ бўлиши лозим.

Ёнғинга қарши деворларда деразалар очилмайдиган бўлиши

керак. Эшиклар, дарвозалар, люклар, қопқоқчалар ўз-ўзидан ёпилиб қолиши учун мосламаларга ва зичлагичларга эга бўлиши керак. Очиқ ҳолда фойдаланилиши мумкин бўлган эшиклар, дарвозалар, люклар, қопқоқчалар ёнғинда уларни автоматик ёниб қолишини таъминлайдигани билан жиҳозланган бўлиши лозим.

6.24. Ёнғинга қарши тўсиқларда, лифт шахталари бундан мустасно, дарчалар умумий майдони улар майдонининг 25% дан ошмаслиги керак. Ёнғинга қарши тўсиқлар дарчалари тўлдиргичлари 4.14. талабларига ва мазкур бўлим талабларига жавоб бериши керак.

А ва **Б** тоифадаги бошқа тоифадаги хоналардан, йўлаклардан, зина катакларидан лифт хоналаридан ажратиб турувчи ёнғинга қарши тўсикларда, меъёрий ҳужжатларига мувофиқ доимий ҳаво босими тамбур-шлюзлар ўрнатишга йўл қўйилмайди. Икки ва кўпроқ сонли хоналарга умумий тамбур-шлюз кўйилиши мумкин эмас.

6.25. **А** ва **Б** тоифадаги хоналарни бошқа хоналардан ёки эшиклар, дарвозалар, люклар ва қопқоқчалардан ажратиб турувчи ёнувчан қарши тўсиқларда тамбур-шлюз ўрнатиш имкони бўлмаса ва тоифадаги хоналарни бошқа хоналардан ажратиб турувчи ёнғинга қарши тўсиқларда, қўшни қаватларга ва хоналарга ёнғинни тарқалишини ва ёнувчан газлар, енгил алангаланувчи буғлар ва ёнувчан суюқликлар, чанглар, толаларни ўтиб портлаш хавфини келтириб чиқаришга қодир йўналиши олдини олиш бўйича мажмуавий тадбирлар назарда гутилиши лозим. Бу тадбирлар самарадорлиги асосланган бўлиши шарт.

Ёнғинга қарши эшик ёки дарвозалар билан ёпиб бўлмайдиган **В**, **Г** ва **Д** тоифадаги ёнма-ён хоналар билан алоқа қилиш учун, ёнғинга қарши тўсиқ бўшлиқ-дарчаларида; автоматик ўт-ўчириш воситалари билан жихозланган очиқ тамбурлар назарда тутишга йўл қўйилади.

Бу тамбурларнинг тўсиб турувчи қурилмалари ёнғинга қарши бўлиши лозим.

6.26. Ёнгинга қарши тўсиқлар дарчалари тўлдиргичлари, одатда, ёнмайдиган ашёлардан тайёрланади,

Эшиклар, дарвозалар. люклар ва қопқоқчаларни 4мм дан кам бўлмаган қалинликда ёнмайдиган ашёлар билан ҳимояланган, ёниш гурухи **ГЗ** дан кам бўлмаган ашёлар қўллаш билан тайёрлашга йўл қўйилади.

Ёнувчан газлар, суюқлар ва ашёлар қўлланилмайдиган ва сақламайдиган ҳамда ёнувчан чанглар пайдо бўлувчи жараёнлар билан алоқадор бўлмаган хоналар томонидаги ёнғинга қарши тўсиқлардаги тамбур-шлюз, эшиклари, эшиклар дарвозалар ва люклар калинлиги 4 мм дан кам бўлмаган ва бўшлиқсиз ёниш гурухи **ГЗ** ашёлардан тайёрланишига йўл қўйилади.

6.27. 1-тоифадаги ёнғинга қарши деворлар ва ораёпмаларни, ёнувчан газлар, чанг-ҳаво аралашмаси, суюқликлар, мода ва ашёларни ташиш учун каналлар. шахталар ва қувур ўтказгичларни ўтишига йўл қўйилмайди.

Юқорида кўрсатилганлардан фарқланувчи муҳитни ташиш учун каналлар, шахталар ва қувур ўтказгичлар бундай ёнғинга қарши

тўсиқларни кесиб ўтиш жойида, каналлар, шахталар ва қувур ўтказгичлар бўйича ёниш маҳсулотларини тарқалишини бартараф этувчи автоматик мосламалар назарда тутилиши лозим.

6.28. Лифт шахталари (5.33-да кўрсатилганлардан ташқари) ва лифтларнинг машина бўлинмалари хоналари (томда жойлашганларидан ташқари), хамда коммуникациялар ўтказиш учун каналлар, шахталар, тахмончалар тўсувчи қурилмалари 1-турдаги ёнғинга қарши пойдеворлар ва 3-турдаги ораёпмаларга қўйиладиган талаблар мувофик бўлиши керак.

Юқорида кўрсатилган лифт шахталари тўсиқларда ёнғинга қарши эшиклар ўрнатиш имконияти бўлмаса, 1-турдаги ёнғинга қарши пойдеворли ва 3-турдаги ораёпмали тамбурлар ёки холлар ёки ёнғин чоғида лифт шахталари эшикларни автоматик равишда ёниб куювчи экран назарда тутилиши лозим.

Бундай жараёнлар ёнмайдиган ашёлардан тайёрланиши ва уларнинг ёнғибардошлик чегараси **EI 45** дан кам бўлмаслиги зарур.

Чиқиш жойида ёнғин чоғида ҳаво босими тамбур-шлюзга эга бўлмаган, тутун қопламайдиган зина катакли биноларда тахталарида автоматик тутунга қарши ҳимоя назарда тутиш лозим.

Ахлат ўтказгичлар тақаси ёнмайдиган ашёлардан тайёрланиши лозим.

6.29. Технология талаблари бўйича биноларда ҳамма синфлар ичида, лекин **Ф1.3.** – да эмас, ертўла ва цокол қаватлар биринчи қават билан алоқа бўлганда зиналар ўрнатиши шарт. Бу зиналар эвакуация вақтида ҳисобга олиш керак эмас, фақат 5.9.-да кўрсатилган бўлмаса.

Бу зиналар ёнғинга қарши тўсиқлар 1-турдаги ва тамбур-шлюз ёрдамида ажратилиши лозим. Агар цокол ва ертўла хоналарда ёнғинга хавфли моддалар ёки ашёлар сақланадиган бўлса, тамбур-шлюзда керакли ҳаво босими бўлиши шарт.

Ф5 синфдаги биноларда зиналар ертўладаги ёки цокол хоналардан **Г** ва **Д** категорияли бўлган ҳолда, тепадаги кўрсатилган ажратиш тўсиқлар ишлатиши зарур эмас.

6.30. Вестибюлдан иккинчи қаватга олиб борувчи 2-турдаги зина ўрнатилса, вестибюл йўлаклардан ва ёнма-ён хоналардан 1-турдаги ёнғинга қарши пойдеворлар билан ажратилган бўлиши лозим.

6.31. 5.43-да тутилган 2-турдаги зина жойлашган хона, унга туташувчи йўлаклардан ва бошқа хоналардан 1-турдаги ёнғинга қардги пойдевор билан ажратилиши лозим. Иккинчи турдаги зина жойлашган вақтда ёнғинга қарши пойдевор билан ажрамаслигига йўл қўйилади:

- бинода бутунлай автоматик ўт ўчириш ўрнатилса;

- бинонинг баландлиги 9 метрдан ва қаватнинг майдони 300кв.м. дан кўп бўлмаган ҳолда.

6.32. Ертўла ва цокол қаватда лифт рўпарасида ёнғин чоғида ҳаво босими 1-турдаги тамбур-шлюз ўрнатиши назарда тутилиши лозим.

Агар цокол ва ертўла хоналарда ёнғинга хавфли моддалар ёки ашёлар сақланадиган бўлса, тамбур-шлюзда ёнғин пайдо бўлганда керакли ҳаво босими бўлиши шарт.

6.33. Бино ва ёнғин бўлинмаларини ўлчамларини, ҳамда бинолар орасидаги масофани тўплашда, улар-

нинг ёнғинга бардошлигидан, қурилмавий ва вазифавий ёнғинга хавфлилигидан келиб чиқади, ёнғин юки каталигидан, ҳамда ёнғинга қарши қўлланилаётган ҳимоя воситаларини самарадорлигини, ўт ўчириш хизмати қарши қўлланилаётган ҳимоя воситаларини самарадорлигини, ўт ўчириш.

6.33. Хизмати мавжудлиги ва олислигини уларнинг қуролланганлигини, ёнғиннинг эҳтимоли иқтисодий ва экологик оқибатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш лозим.

6.34. Фойдаланиш жараёнида ёнғинга қарши ҳимоя мухандислик воситаларнинг ишга яроқлилиги таъминланиши лозим.

6.35. Автоматик ўт ўчиришни ва ёнғин сигнализациясини давлат меъёрий хужжатларига мувофиқ равишда назарда тутиш керак.

7. ЎТ ЎЧИРИШ ВА ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИ

7.1. Эҳтимолли ёнғинни ўчириш ва қутқарув ишларини олиб бориш, қурилмавий, хажмий-режавий, мухандислик-техникавий ва ташкилий тадбирлар орқали таъминланади:

Уларга куйидагилар киради:

а) вазифавий ўтиш йўллари ва олиб келувчи йўллар билан бирга ўт ўчириш техникаси ўтиши учун ва олиб келувчи йўллар ёки махсус йўллар жиҳозланиши;

б) ташқи ёнғин зиналари жиҳозланиши ва ўт ўчириш бўлинмалари ходимларини ва ўт ўчириш техникасини бино қаватларига ва томига олиб чиқишининг бошқа усуллари билан таъминлаш, шу жумладан ўт ўчириш бўлинмаларини ташиш режасига эга портлар ўрнатилиши;

в) ёнғинга қарши сув ўтказгичлар, шу жумладан хўжалик сув ўтказгичлари билан бирга ёки махсусини ўрнатиш, зарур бўлса қувурлардан ва ёнғин сиғимлари (резервуарлар) ўрнатиш;

г) бино ичида, ўт ўчириш бўлинмалари ўтиш йўлини тутунга қарши ҳимоялаш керак;

д) зарур ҳолларда биноларни одамларни якка ёки оммавий тартибда қутқариш воситалари билан жиҳозлаш;

е) аҳоли яшаш манзилгоҳи ёки объект худудида уларнинг ҳаракат доирасида жойлашган объектдаги ўт ўчириш шароитига мувофиқ ёнғин техникаси билан таъминланган зарур сонига эга шахсий ёнғиқдан саклаш бўлинмасини жойлаштириш.

Бу тадбирларни танлаш биноларнинг ёнғинга бардошлик даражаси қурилмавий ва вазифавий ёнғин хавсизлиги синфига мансублигига боғлиқ.

7.2. Асосий ва махсус ўт ўчириш маҳсулотлари учун ўтиш йўлларини, давлат меъёрий хужжатлари талабларига мувофик равишда назарда тутиш лозим.

7.3. Том карнизи ёки ташқи девор тепасигача (пойдевор), баландлиги 10 м. ва ортиқ учун томга зина катакларидан бевосита ёки чордоқ орқали иситилувчи ундан мустасно, ҳамда 3 турдаги зиналар бўйича ёки ташқи ўт ўчириш зиналари бўйича чиқиш жойлари назарда тутилиши лозим.

Томга чиқиш жойлари сони ва уларнинг жойланишини бинонинг вазифавий ёнғинга хавфлилиги ва ўлчамларидан келиб чиқиб назарда

тутилиш лозим, лекин 1 чиқиш жойидан кам эмас:

- чордоқли томёпмавий бино узунлиги ҳар бир тўлиқ ва нотўлиқ 100м., чордоқсиз томёпмавий **Ф1, Ф2, Ф3 ва Ф4** синфга мансуб бинолар учун, бино томининг ҳар бир тўлиқ ва нотўлик 1000 кв.м майдонига 1 дан кам бўлмаган чиқиш жойи;

- ёнғинга карши зиналар бўйича 200м дан сўнг Ф5 синфга мансуб бинолар айланаси бўйича.

Назарда тутилишига йўл қўйилмайди:

- агар бинонинг эни 150м. дан ошмаса бош тарзига қарама-қарши томонда ёнғинга қарши сув ўтказгич линияси мавжуд бўлса бинонинг бош тарзида ўт ўчириш зиналарни;

- том ёпмаси 100м. дан ёпмайдиган бир қаватли бинолар томига чиқиш жойини.

7.4. Бино чордоқларида томга ўлчамлари 0,6х0,8м. дан кам бўлмаган эшиклар, люклар ёки деразалар орқали доимий зиналар **билан** жиҳозланган жойлари назарда тутилиши лозим, лекин **Ф1.4.** синфидаги бинолардан ташқари.

Том ёки чордоққа зина катакларидан чиқиш жойлари, чиқиш олдида майдончаси бор, зинапоялар бўйича, ўлчамлари 0,75х1,5 м. дан кам бўлмаган 2 турдаги ёнғинга қарши эшиклар орқали назарда тутилиши керак.

Баландлиги 15м. гача бўлган **Ф1, Ф2, Ф3 ва Ф4 синфга** мансуб биноларда чордоқ ёки томга зина катакларида 0,6х0,8м. ўлчамли 2 турдаги ёнғинга қарши ток орқали, маҳкамланган пўлат нарвонлар бўйича чиқиш жойлари жиҳозланишига йўл қўйилади.

7.5. Техник қаватларда, шу жумладан техник ток хоналарда ва техник чордоқларда ўтиш жойлари баландлиги 1,8м дан кам бўлмаслиги, чордоқларда бутун бино бўйлаб – 1,6м. дан кам бўлмаслиги лозим. Бу ўтиш жойлари эни 1,2м. дан кам бўлмаслиги керак. Айрим буюклардан ортиқ бўлмаган масофада ўтиш баландлигини 1,2м. гача энини эса 0,3м гача камайтиришга йўл қўйилади.

7.6. Мансубдорли биноларда тўсиб турувчи қурилмаларда чордоқлар бўшлиғи назарда тутилиши лозим.

7.7. Томнинг баландлиги 1м. дан ортиқ ўзгариш жойида (шу жумладан томга нур-аэрацион фонарларни кўтариш учун) одатда ёнғин зиналари кўзда тутилиши керак.

Том баландлиги 10м. дан ортиқ ўзгарса агар томнинг ҳар бир 100 кв.м. дан ортиқ майдон участкаси 7.3. талабларига жавоб берадиган томга хусусий чиқиш жойига эга бўлса, ёки 7.3 бўйича аниқланадиган томнинг пастки участкаси 10 м. дан ошмаса, ёнғин зиналари назарда тутилмайди.

7.8. 10м. дан то 20м. гача баландликка кўтарилиши учун ва томнинг баландлиги 1м. дан то 20 м. гача ўзгариш жойида **Ш** турдаги ёнғин зиналари 20м. дан баландроққа кўтариш учун ва баландлик 20м. дан ортиқ ўзгарувчи жойларда **П2** турдаги зиналар кўлланиши лозим.

Ёнғин зиналари ёнмайдиган ашёлардан тайёрланиши, деразадан 1м. дан якинроққа жойлашмаслиги ва улардан ўт ўчирувчи бўлинмалар

фойдаланишга ҳисобланган бўлиши керак.

7.9. Зиналар-поялар орасида ва зинапоя тўсиғи тутгичлари орасида, режада соф этиш 75мм. дан кам бўлмаган тирқиш қолдирилиши лозим.

7.10. Баландлиги 5м. дан ортиқ **Ф1.1.** синфга мансуб биноларнинг ҳар бир ёнғин бўлинмасида баландлиги 28м. дан ортиқ ҳамма вазифани ёнғинга хавфлилик синфига мансуб биноларда, тўсувчи қурилмалари **REI120** ёнғинга бардошлик чегарасига эга ёнғинга қарши тўсиқлар талабларига жавоб берувчи, **E60** ёнғин бардошлик чегарасига эга ёнғинга қарши эшикли шахталарда жойлашган «ўт ўчириш бўлинмаларни ташиши» режимига эга лифтлар назарда тутилиши лозим.

7.11.Том нишоблиги 12% гача бўлган, баландлиги пештоқгача ёки ташқи девор юқорисига 10 дан ортиқ биноларда, ҳамда том нишоббошлиги 12% дан ортиқ, баландлиги пештоқгача 7м. дан ортиқ биноларда ГОСТ 257722 га мувофиқ томда мувофиқ тўсиқ назарда тутилиши лозим.

Бино баландлигидан қатъий назар, шу стандарт талабларига мувофиқ, фойдаланиладиган иссиқ томларда, балконларда, лоджияларда ташқи галлереяларда, очиқ ташқи зиналарда, зинапояларда ва майдончаларда тўсиқ назарда тутилиши лозим.

7.12.Ўт ўчириш депосини, давлат меъёрий хужжатлари тартибларига мувофиқ худудларда жойлаштириш керак.

7.13.Ўт ўчириш сув ўтказгичини ва бошқа доимий ўт ўчириш воситаларини биноларнинг ёнғин бардошлик даражаси, курилмавий ва вазифавий ёнғинга хавфлигидан, вақтинчалик ёнғин юкини катталиги ва ёнғин портлаш хавфлигидан келиб чиқиб назарда тутиш керак.

7.14. Биноларнинг ёнғинга қарши сув таъминоти тизимига ўт ўчирувчи бўлинмалар ва уларнинг жиҳозлари учун доимий етишиш имконияти таъминланган бўлиши лозим.

М У Н Д А Р И Ж А **Бет**

1. Қўллаш соҳалари 4

2. Меъёрий ҳолатлар 4

3. Умумий ҳолатлар 5

4. Ёнғин-техник таснифи 6

5. Ёнғинда одамлар хавфсизлигини таъминлаш 11

6. Ёнғин тарқалишини олдини олиш 20

7 Ўт ўчириш ва қутқарув ишлари 25